

Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият

2-с.

Ижтимоий тадқиқот муаммо ва режаларни белгилашга туртки берди



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 ЙИЛ
4 ДЕКАБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№78
(2216)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР ЎЗАРО ФИКРЛАШИЛДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманида бўлди.



Уюшма раиси Президентимизнинг жорий йил 19-20 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини ўрганиш мақсадида туманнинг “Эркиндарё” маҳалласи “еттилиги” фаолиятини кўздан кечирди. Шунингдек, ҳудуддаги 7-умумтаълим мактабида бўлди.

“Маҳалла еттилиги” ва нуронийлар билан суҳбатлашилганда, улар маҳалла биносини янгилаш ва мактабнинг спорт залини жорий таъмирлаш юзасидан таклиф билдирди. Таклиф жойида ўрганилганда, чиндан ҳам маҳаллага янги бино зарур экани ойдинлашиб, келгуси йил март ойига қадар ходимларга янги иморат қуриб берилиши айтилди. Қолаверса, шу ернинг ўзида ишсиз аҳолини банд қилиш чора-тадбирлари кўрилади.

Худди шундай, ёшлар бўш вақтида фойдаланишлари учун мактабнинг спорт мажмуаси таъмирлаб берилиши белгиланди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...




УЧТА МАҲАЛЛА ТУТАШГАН КЎЧА ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАНЗИЛГА АЙЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 23 ноябрь куни Янгиҳаёт туманига ташриф буюриб, “Хушнуд” маҳалласидаги ўзгаришларни кўздан кечирди.

Давлат раҳбарининг ташрифи нафақат хушнудликларни, балки бутун янгиҳаётлик юртдошларимизни хушнуд этгани бор гап. Биргина мисол: ташриф кунлари “Янги Турмуш”, “Ташаббус” ва “Янги Умид” маҳаллалари туташган манзилда гастрономик кўча очилди. Бу ер тумандаги ўзгаришлар билан ҳамоҳанг тарзда янги қиёфага кириб бормоқда.

Бу ерда замонавийлик ва миллийликни ифода этган ҳайкаллар, фаввора, ўриндиқ ва ёритгичлар ўрнатилди. Пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилди. Атрофга “Яшил макон” лойиҳаси доирасида гул ва буталар экилди.

Эслатиб ўтамиз, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Гулбозор” ва Сергели туманидаги “Сўғдиёна” маҳаллаларида, шунингдек, Миробод туманидаги Тарас Шевченко, Яшнобод туманидаги Султонали Машҳадий ва Содиқ Азимов, Чилонзор туманидаги Ал-Хоразмий кўчаларида ҳам шундай кўчалар ташкил қилиняпти.







БУГУНГИ СОНДА:

Бугуннинг ёшлари — шижоатли, азми қатъий, ташаббускор!

36 минг 210 нафар ёшнинг 18 минг 950 нафари “яшил”, 17 минг 260 нафари “сариқ”, 700 минг нафари “қизил” тоифага киритилган. Жорий йилнинг шу даврига қадар “сариқ” ва “қизил” тоифадаги 811 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди.

4-с.

“Хоразм тажрибаси” ҳар бир хонадон бандлигини таъминлаяпти

Асосий мақсадимиз – фуқароларнинг ҳар бир мурожаатини маҳалланинг ўзида ҳал этиб, халқни рози қилиш. Бунинг учун “еттилик” аъзоларига бир қатор ваколатлар берилган. Ўйлайманки, ҳар биримиз ўз ишимизга масъулият билан ёндашсак, берилган ишончни оқлаймиз.

5-с.

Аввалига бўлди мезбон, кейин эса зўравон

Анчадан бери учрашмаган икки дўст учрашиб қолса, суҳбат оила, уй-рўзғор, иш, эски таниш-билишлар, яна кўплаб ҳаёт икир-чикирлари ҳақида кетади. Мурод ҳам Зафарни учратганидан хурсанд бўлиб, ҳол-аҳвол сўрашдан бошлади.

6-с.

“ОИЛАНИ ТИКЛАШ ОСОН БЎЛМАЙДИ, АММО ОРТГА ҚАЙТИШ НИЯТИМИЗ ЙЎҚ”



7-саҳифада.

ҲАР БИР КЎЧАДА КЎЧАТ БОР, КЎРКАМЛИК ШУ БОИС БАРҚАРОР



8-саҳифада.

Mahalla 365

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 июндаги тегишли қарори билан “Кўчабоши ва уйбошиларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий Низом тасдиқланган.



Кўчабоши — аҳолининг умумий йиғилишида сайланган ва ўзига бириктирилган кўча аҳолиси номидан фуқаролар йиғинида доимий фаолият олиб борадиган фуқаро.



Уйбоши — аҳолининг умумий йиғилишида сайланган ва ўзига бириктирилган уй аҳолиси номидан фуқаролар йиғинида доимий фаолият олиб борадиган фуқаро.



Кўчабоши ва уйбоши сифатида **ўн саккиз ёшга тўлган** ва тегишли ҳудудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар сайланиши мумкин.



Кўчабоши ва уйбошилар ўз фаолиятини **жамоатчилик асосида** юритади.



Уларни рағбатлантириш тариқасида коммунал хизматлар учун **ҳар ойда компенсация** тўловлари тўланади.



Кўчабоши ва уйбоши сайловчилар томонидан **беш йил муддатга** сайланади.





Президент Шавкат Мирзиёев металлургия корхоналарининг ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАСТУРЛАРИ ҳамда 2025 йилги режалари билан танишди.



Янгидан тайинланадиган ижтимоий тўловлар, хизматлар ва имтиёзлар “ИЖТИМОИЙ КАРТА” АТ орқали тақдим этилади.



1 декабрдан бошлаб “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” Камбағал оилалар реестрини шакллантиради.

ТАЖРИБА

КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАР УЧУН ЕТТИТА ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Маҳалламиз Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудида жойлашган. 840 та оилада 2 минг 782 нафар аҳоли истиқомат қилади. “Драйвер”имиз — чорвачилик, деҳқончилик, узумчилик.

Фахриддин ЭРҚЎЗИЕВ,
Жалақудуқ туманидаги “Қутлуғ” маҳалласи раиси.

Сўнгги икки йилда ҳудуд мисли кўрилмаган тарзда ўзгарди. Маҳалла ва хонадон, кўчалар ободлиги, инфратузилма билан боғлиқ муаммоларнинг ечим топаётгани аҳолини беҳад қувонтирмоқда. Барча шароитларга эга замонавий бинода фаолият олиб боряпмиз. Бу ерда “еттилик” учун алоҳида хоналар ажратилган.

Ўтган йили “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида қурилиш ишлари амалга оширилди. Тараққиёт, Ширин ва Наво кўчалари ободонлаштирилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида маҳалла ҳудудидаги эски симёғочлар темир-бетон устунларга, мавжуд битта трансформатор юқори кучланишлисига алмаштирилди, битта янги трансформатор ўрнатилди. Ҳудуддаги 1,7 километр узунликдаги йўл асфальтланди. Аҳолининг ҳамжиҳатлиги билан Наво кўчасининг 3 км. қисмига “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида асфальт ётқизилди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида Тараққиёт кўчасига 4 км., Наво кўчасига 1 км. масофада тармоқ тортилди. Ҳар бир хонадонга алоҳида сув қувурлари ётқизилди.

Ширин кўчасининг 400 метр, Наво кўчасининг 600 метр қисмига кредит асосида узумзор ташкил этилди. Бу орқали юртдошларимиз бўш турган ерлардан самарали фойдаланиб, қўшимча даромад топмоқда.



Бундан ташқари, маҳаллага яқин ҳудудларда фаолият юритаётган тикувчилик корхоналарига 150 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди. 227 та хонадонга деҳқончилик қилиш учун 15 сотихдан ер ажратиб берилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида доимий ўрганиш олиб боряпмиз. “Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият” тамойили асосида барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш, аҳоли яшаш шароитини яхшилашга эътибор беряпмиз. Йил бошида ўтказилган хатловда 45 та оила рўйхатга олинганди. Барчасига зарур ёрдам кўрсатилиб, камбағалликдан чиқариш чораси кўриляпти. Бугунгача 7 та оилага субсидия асосида иссиқхона қуриб бердик. Яна 3 та оила вакилларига тикув машинаси ажратилди.

Юқоридаги саъй-ҳаракатлар натижасида одамларнинг турмуш шароити яхшиланиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланмоқда.



КЎЗГУ

Янгиернинг қиёфаси, ҳаёт тарзи, ҳатто аввалги шуҳрати янгиланяпти

Янгиер бир вақтлар нафақат Сирдарё вилояти, балки республикамизда иқтисодий жиҳатдан ривожланган шаҳар сифатида донг таратган. Аммо шаҳарнинг ўша шуҳрати 40-50 йиллар илгари пасая бошлаганди.

Раҳмонқул НАЗИРҚУЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгиер шаҳар бўлими бошлиғи.

Сўнгги 5 йилликда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бир қатор маъмурий, ижтимоий, маиший, савдо иншоотлари, аҳоли турар жойлари, ишлаб чиқариш корхоналари, мактабгача таълим муассасалари, истироҳат боғи, текис ва равон кўчалар барпо этилди. Натижада 48 минг нафар аҳоли яшовчи ҳудуд бутунлай ўзгарди, чирой очди. Уз навбатида инфратузилма яхшиланиши ортидан одамларнинг турмуши фаровонлашмоқда. Масалан, “Бинокор” маҳалласи обод аҳоли манзилига айланди. Кўчалар ораста, хонадонлар саранжом-сариштa. Маҳалладаги 3 километрга яқин ички йўл асфальтланди, ичимлик сув иншооти таъмирланди, қўшимча трансформатор ўрнатилди. 113 та симёғоч янгисига алмаштирилиб, 3,2 километр ҳаво тармоғи тортилди. Кўчаларга 90 та ёритгич ўрнатилди. "Workout", болалар майдончаси ва пиёдалар йўлаги қурилди. Мавжуд мактабгача таълим ташкилоти ва маҳалла идораси замонавий кўринишга келтирилди. Йил бошидан буён маҳалладаги 57 нафар ишсиз аҳоли доимий ва мавсумий ишга жойлаштирилди.

Ходимлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда иш самарадорлигини ошириш мақсадида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абдураҳмон Жомий номидаги маҳалла биноси капитал таъмирланган бўлса, “Шукрона” ва Темур Малик номидаги маҳалла бинолари реконструкция қилинди. “Маърифат” маҳалласига янги бино қурилиб, “Янгиобод” маҳалласида қурилиш ишлари давом этмоқда. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгиер шаҳар бўлими ташаббуси билан “Маърифат” ва Темур Малик номидаги маҳалла биноларига қуёш панели ўрнатилди.

Маҳалла жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айланиб, унда аҳолининг фаол иштироки таъминланмоқда. Мисол учун, 12 та йиғинда 860 нафар жамоатчилик вакиллари иш олиб бормоқда.

Йил бошидаги хатловда 736 нафар ишсиз аниқланди. Бугун уларнинг барчаси иш ўрнига эга. Жумладан, бўш ва янги иш ўринларига 383 нафар, жамоат ишларига 13 нафар, имтиёзли кредит ажратиш ҳисобидан 62 нафар, тадбиркорлик йўналишида 10 нафар фуқаро ишга жойланди. 238 нафари ўзини ўзи банд қилган бўлса, 30 нафари касбга ўқитилди.

Давлат раҳбарининг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида қайта хатлов ўтказдик. Унга кўра, 2 минг 267 та камбағал оила рўйхатга олинди. Энг оғир ҳолатдаги 262 та оила танлаб олиниб, вилоят ва шаҳар раҳбар ҳамда ўринбосарларига бириктирилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ўтган 11 ойда 752 та оила камбағалликдан чиқарилди. Масалан, Халқ банкининг Янгиер шаҳар бўлими раҳбари Хайрулло Аҳмедовга бириктирилган “Наврўзобод” маҳалласида яшовчи Малоҳат Маматмуродованинг даромадини ошириш ва бандлигини таъминлаш мақсадида маиший техника, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда паррандачилик билан шуғулланиш учун товуқ берилди.

“Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида шаҳар маҳаллаларидаги миграция ҳолати доимий ўрганиб борилмоқда. Жорий йилда 1 минг 101 нафар фуқаро хорижга ишлаш ва ўқиш учун кетган. “Маҳалла еттилиги”нинг саъй-ҳаракати натижасида шу кунга қадар уларнинг 231 нафари оиласи бағрига қайтди. Зарур ёрдам кўрсатилиб, бандлиги таъминланди.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда Уйчи ва Сайхунобод туманлари тажрибасидан самарали фойдаланяпмиз. Шаҳарда 5 минг 999 та хонадоннинг томорқаси бўлиб, майдони 226 гектарни ташкил этади. Бугунги кунда барчасига тажриба асосида картошка, ошқовоқ, сабзовот, дуккакли экин экилди. Жами 40 дан ошиқ иссиқхона ташкил этилди. Бундан ташқари, режа асосида 404 та микролойиҳа ташкил этилди. Уларга 27 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 1 минг 31 та янги иш ўрни яратилди.

“Маҳалла бюджети” тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, 2023 йил 1 январдан мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қоляпти. Бу ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллалар моддий-техник базасини мустаҳкамлашда қўл келмоқда. Жорий йилнинг 11 ойида жами 2 млрд. 687 млн. 178 минг сўм мол-мулк ва ер солиғи ундирилган бўлса, шундан 268 млн. 718 минг сўм маблағ маҳаллаларнинг ҳисоб рақамида қолди. Натижада 158 миллион 277 минг сўм маблағ эвазига фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, кам таъминланган фуқароларга ёрдам кўрсатилди.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган эзгу ишлар натижасида инсон қадри улуғланиб, халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқмоқда.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МИГРАНТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИНДИ



Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси ҳамда бошқа масъул ташкилотлар ташаббуси асосида хорижда бўлиб турган вилоят аҳолиси билан онлайн («Zoom» орқали) мулоқот ўтказилди.

Мулоқотда фуқароларнинг хориждаги меҳнат шароити, уларни қийнаётган муаммолар ўрганилди. Мамлакатимизда аҳолини доимий банд қилиш ва муносиб турмуш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Миграцияда юрган фарғоналикларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида эканини билдирди. Ватанга қайтгач, бу борада уларга барча шароит яратиб берилиши тушунтирилди.

“ҚЎРҒОН” — ТУРИЗМ МАҲАЛЛАСИГА АЙЛАНДИ



“Қўрғон” маҳалласи Ғиждувон туманининг тарихий қисми бўлиб, узоқ йиллик тарихга эга.

XX асрнинг охирларида Ғиждувон қўрғонида 10 та маҳалла, 200 дан зиёд хонадон, 15 та масжид, 55 та хусусий мактаб, 3 та ҳаммом ҳамда 300 дан зиёд савдо дўконлари аҳолига хизмат қилган.

“Табаррук зиёрат” туризм ҳафталиги доирасида “Қўрғон”га “туризм маҳалласи” мақоми берилди. Шу муносабат билан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси, МДҲ давлатларидан ташриф буюрган меҳмонлар ва туман ҳокимлиги вакиллари иштирокида тадбир ташкил этилди.

ИЧКИ ЙЎЛЛАР РАВОНЛАШМОҚДА



Фориш туманида аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, маҳаллаларни ободонлаштириш, ички йўлларни таъмирлаб, аҳоли ва транспорт қатновига қулайликлар яратиш ишлари давом эттирилмоқда.

Бу каби хайрли ишлар туманнинг энг узоқ, чекка қишлоқ ва маҳаллаларида амалга оширилаётгани аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб, мамнун этмоқда.

Фориш туманининг Амир Темур номли маҳалласидаги саккиз юз метрдан зиёд ички йўл Арнасой туман автомобиль йўллардан фойдаланиш давлат унитар корхонаси йўлсозлари томонидан асфальтланди.

ТАШАББУС

“Еттилик”нинг етаётган натижаси кўп

Маҳаллада аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги”нинг ҳамкорлиги яхши натижа бермоқда. Жумладан, ҳоким ёрдамчиси кўмагида ҳудуддаги оилалар аҳволи ўрганилди. Натижага кўра, банд бўлмаган аҳоли ва ёшларга шароит, имконият дан келиб чиққан ҳолда кўмаклашилди. Тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланди.



Қурбон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Шароф Рашидов туманидаги “Тоқчилик” маҳалласи раиси.


Хотин-қизлар фаоли Дилшода Маматқулова ташаббуси билан “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Ноила Қурбоновага тикувчилик йўналишида 8 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ноила бу маблағ эвазига 2 та тикувчилик дастгоҳи сотиб олиб, ўзини ўзи банд қилди.

Наргиза Усмонова яқингача ишсизлар сафида турарди. Унга паррандачилик йўналишида 33 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Қисқа вақтда фаолиятини кенгайтириб, 100 миллион сўм гаровсиз кредит олди. Эндиликда янги иш ўринлари яратиб, маҳалладаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаяпти.


Маҳалла инфратузилмаси билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Ўтган йили 3 км. масофадаги ички йўл асфальтланди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 7 та кўчага сув минораси ўрнатилди. Оилавий шифокорлик пункти таъмирланиши ортидан тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Ҳудудда ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда “Сайхунобод тажрибаси” асосида Шукур Бурҳонов кўчаси намунали кўча сифатида белгиланди. Танлаб олинган 17 та хонадон эгаларига иссиқхона, паррандачилик, чорвачилик, тикувчилик йўналишида имтиёзли кредит ажратилди. Мисол учун, “Аёллар дафтари”да турган Гулчеҳра Асатуллаева 33 миллион сўм маблағ эвазига хонадонида 3 сотихли иссиқхона ташкил этди. Бундан ташқари, 2 бош чорва ҳайвони сотиб олди. Натижада хонадон камбағал оилалар рўйхатидан чиқарилди.

“Маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида аҳоли муаммоси ўз вақтида ҳал этилиб, эҳтиёжмандларга зарур кўмак кўрсатилмоқда.



Тазйиқ ва зўравонликка учраганларга ҲИМОЯ ОРДЕРИ ички ишлар органлари ташаббуси билан берилади.



Суд ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминловчи “МАЖБУРИЯТЛАР РЕЕСТРИ” институти жорий этилади.



Хорижга ишга кетмоқчи бўлган фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш бўйича БУЮРТМАЛАР ЖОЙЛАШТИРИШ тартиби ишга тушади.

ТАҲЛИЛ

Ижтимоий тадқиқот муаммо ва режаларни белгилашга туртки берди

Султонмурод УСМОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошлоқ тумани бўлими бошлиғи.

Туманда 51 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Унда 219 минг 585 нафар аҳоли яшайди. Зиммамиздаги вазифани бажаришда, аввало, “маҳалла еттилиги” ходимларига қулай шароит яратишга эътибор берилмоқда. Мисол учун, “Тошлоқ” маҳалласига янги бино қурилиб, зарур мебель жамланмаси билан таъминланди. “Қумариқ” маҳалла аҳли ҳамжиҳатлиги натижасида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига киритилган таклиф асосида янги маъмурий бино фойдаланишга топширилди. Натижада 800 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Бугунги кунда одамлар розилигини олиш, турмуш фаровонлигини таъминлашда маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, аҳолини даромадли қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор бериляпти. Масалан, “Турват” маҳалласидаги бўш турган бинода Комила Жўраева тикувчилик цехи ташкил этган. Ҳудудда 15 нафар қишлоқ аёллари иш билан таъминланган. “Заркент” маҳалласида 7 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда икки юздан зиёд тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллада томорқачиликда яхши тажриба бор. Яқинда бўш турган бинода Рисолат Каримова ташаббуси билан тикувчилик цехи ташкил этилди. Бу билан ўттиз нафарга яқин хотин-қиз ишли бўлди. Бундан ташқари, маҳаллада 3 млрд. сўм маблағ эвазига янги хусусий тиббиёт маскани қурилди. 50 ўринли муассасада 10 та иш ўрни яратилди. “Қўрғонча” маҳалласида метални қайта ишлаш ва ишлов бериш цехи фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркор Салоҳиддин Солиев ташкил этган тармоқда 50 нафар ёшлар иш билан таъминланган. “Ҳамрақ” маҳалласидаги уч қаватли бўш турган бинода пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Қишлоқ аҳолиси учун 25 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, маҳалланинг бўш турган биносида тикувчилик тармоғи ташкил этилди. “Пиёзчилик” маҳалласида иш бошлаган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва автомашиналар савдоси марказида 50 нафар ёш банд бўлди.

Йил бошидаги маълумотга кўра, ишсизлар сони 7 минг 530 нафарни ташкил этганди. Шу кунгача 3 минг 38 нафари ишга жойланди. 1 минг 569 нафари доимий, 511 нафари жамоатчилик асосида банд бўлди. 677 нафари касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилди. 281 нафар талабгор субсидия асосида мотокультиватор, тикув машинаси, хамир қориш ускунаси олиб, ўзини ўзи банд қилди. Туманда ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда меҳнат



Қишлоқ аҳолиси учун 25 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, маҳалланинг бўш турган биносида тикувчилик тармоғи ташкил этилди.

ярмаркаси ўтказилди. Унда 489 нафар фуқаро ишга жойлашди. 544 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқтаси” аниқланиб, шу асосида муаммо ҳал этилмоқда. Бу “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган оилалардаги ишсизлар бандлигини таъминлашда қўл келмоқда.

Мисол учун, “Пиёзчилик” маҳалласида оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик “ўсиш нуқтаси” сифатида белгиланган. Бугунги кунда ҳудудда аҳоли, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва бунинг самараси сифатида камбағалликни қисқартиришга эришилмоқда.

2023 йилда ҳунармандчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги 50 нафарга яқин оилага 650 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 150 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда маҳалладаги 200 дан зиёд оилада хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, 30 нафар хотин-қиз ўз тадбиркорлиги орқали маҳалладошлари учун доимий даромад манбаига эга бўлган иш ўринлари яратишга эришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “2020–2022 йилларда Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида камбағал оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш, улар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидагиларни қўллаб-қувватлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, уй-жойга муҳтожлар талабини қондириш, шунингдек, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ишлари бажарилди. Жумладан, умумий қиймати 554,8 млрд. сўмлик инвестиция лойиҳалари ишга тушди. 182,7 млрд. сўмлик муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш ҳамда 157,4 млрд. сўмлик ижтимоий соҳа объектларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш каби тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун жами 896 млрд. 852 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Жорий йил амалиётга татбиқ этилган “Маҳалла бюджети” тизими асосида жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича ундирилган маблағнинг 10 фоизи маҳаллалар ихтиёрида қолди. Жами 1 миллиард 587 миллион 515 минг сўм маблағ эвазига фуқаролар йиғинлари моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, 7 та йиғин биносига қуёш панели ўрнатилди.

Жорий йил ўзгача ташаббусни йўлга қўйдик. Ҳудудлардаги муаммоларни аниқлаш мақсадида ижтимоий тадқиқот ўтказдик. Унда 2 минг 463 нафар аҳоли вакиллари иштирок этди. Муҳими, бу ташаббус натижасида кейинги режалар белгилаб олинди.

Маҳалла ободлигини таъминлаш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлашда ҳашар ва ҳомийлик каби халқимизнинг азалий қадриятидан унумли фойдаланяпмиз. 2024 йилда уй-жойи таъмирга муҳтож 7 та хонадон аниқланганди. Айримлари ҳомийлик ва ҳашар йўли билан таъмирланган бўлса, бир қисмига янги уй қуриб берилди.

Мисол учун, “Хонариқ” маҳалласида яшовчи Сайёра Холматованинг уйи таъмирлаб берилган бўлса, Акмал Қодировга 4 хонали уй қуриб берилди. Чуқурқишлоқлик Зинат Ҳожиматовага 5 хонали янги уй қуриш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, “Заркент”, “Истиқлол”, “Хўжариқ” маҳаллаларида ички кўчаларнинг 4,5 км. қисми ҳомийлик асосида асфальтланди.

Хулоса қилиб айтганда, туман маҳаллаларидаги ўзгаришлар биринчи навбатда инсонлар тақдирида акс этмоқда. Аҳоли яшаш сифати яхшиланиб, эртанги кунга ишончи ортиб бормоқда.

ТАКЛИФ

Ҳар бир тадбиркорлик лойиҳаси қўллаб-қувватланиши керак

“Ерни боқсанг, ер сени боқади”, деган нақл маъносини маҳалла аҳолиси яхши англайди. Чунки улар томорқачилик ва деҳқончиликдан юқори ҳосил олмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани ердан унумли фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Абдурашид АБДУХАЛИЛОВ, Навбаҳор туманидаги “Пахтакор” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ҳудудда 3 минг 874 нафар аҳоли истиқомат қилади. Мавжуд 1 минг 14 та хонадонда томорқачилик йўлга қўйилган. Асосий “драйвер” — деҳқончилик, чорвачилик ва томорқачилик. Қўшимча ўсиш нуқтамиз сифатида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Чунки маҳалла “Навоий – Зарафшон”, “Навоий — Нурота” катта йўли ёқасида жойлашган. Шу боис “К — SAVDO” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали йўл юзида 90 та хизмат кўрсатиш дўконлари қуриш учун ер майдони сотувга чиқарилди. Мазкур дўконлар ишга тушиши ортидан 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Бунинг учун хонадонма-хонадон юриб, фуқароларнинг имкониятини кўриб чиқяпмиз. Талабга жавоб берганларга банкдан имтиёзли кредит олиб беряпмиз. Бу ижобий натижасини кўрсатяпти. Ҳар бир фуқаро ўзи истиқомат қилаётган хонадон атрофини обод қилиб, ердан унумли фойдаланишга интиляпти. Буни томорқачилик билан шуғулланаётган оилалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда ўсиш нуқтамиз — томорқачиликнинг иссиқхона йўналиши тараққий этмоқда. Бу иш ортидан юқори даромад олаётган оилалар кўпчиликни ташкил этмоқда.

Маржонли кўчасида яшовчи Нуриддин Мирзаев кексалик нафақасида бўлса-да, томорқадан самарали фойдаланди. Ҳозирда 4 сотих



иссиқхонада лимон етиштиряпти. Меҳнатга яраша даромад топаётган отахон қўшимча 3 сотих иссиқхона ташкил этиш учун имтиёзли кредит олишга ариза топширди. 2019 йилдан бери парваришлаб келинаётган 50 дона лимон кўчатидан йилига 30 миллион сўм даромад топмоқда.

Бу йўналишда турмушининг фаровонлигини таъминлаётган яна бир оила бошлиғи — Азиз Ғофуров. Маҳалла кўмагида олинган 40 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига барпо этилган 3 сотихли иссиқхонада 3 минг дона қулупнай ниҳоли парваришланади. Битта ниҳол камида 300 грамм ҳосил беради. Тахминий ҳисоб-китобга кўра, йиллик даромад 160 миллион сўм бўлиши кутилмоқда. Қулупнайнинг “Қиш ифори” нави экилган.

Ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлаган кунимдан бери 360 нафар фуқарога кредит олишда кўмаклашдим. Жорий йилда 180 нафар талабгорга тавсиянома берилди. Бу ўз навбатида аҳоли бандлигини таъминлашга ёрдам бўлмоқда. Йил бошида 85 нафар ишсиз рўйхатга олинганди. “Маҳалла еттилиги”нинг саъй-ҳаракати билан 80 нафари ишга жойланди. Аслида, қолган 5 нафар ишсизга ҳам иш таклиф этгандик. Бироқ 3,5 миллион сўм ойлик маош маъқул келмади.

Таклифим, ҳар бир юртдошимизга алоҳида кредит ёки субсидия ажратиш баробарида кичик тадбиркорлик лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватлаш керак.

Фаолиятимда ишсиз ёки камбағал оилаларга кредит ажратиш жараёнида муаммога дуч келяпман. Улар карантин даврида кредитини вақтида сўндира олмагани учун аризаси рад этиляпти. Имкони бўлса, мана шу ҳолатни қайта кўриб, уларнинг кредит тарихини яхшилаш керак.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ЎҒИТЛАР — МЎЛ-ҲОСИЛНИНГ ОМИЛИ

Боғ-токзорларда келгуси йилда мўл ва сифатли ҳосил олиш учун бир қатор агротехник ишларни амалга ошириш талаб қилинади. Боғ қатор орасининг тупроғини агдариб, ҳайдалади. Об-ҳаво шароитига қараб, ёғингарчилик бўлмаган кунлари маниложи, парша ва бошқа касалликларга қарши фитоловин+фармоед (10 л сувга 20 г + 5 г) ёки карбомиднинг 6 ёки бордо суюқлигининг 3 фоизли эритмаси билан ювилади.

Шуҳрат ОТАЖОНОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.



Биринчи галда ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, йирик мевали олча дарахтининг тана ва она шохларини оқлаш талаб қилинади. Шунингдек, мутахассисларнинг таъкидлашича, шудгор қилишдан олдин ҳосилли боғларга ҳар 2-3 йилда бир маротаба гектарига 20-40 тонна органик ва минерал ўғит солинади. Соф ҳолда 150-180 кг. фосфор, 50-60 кг. калий солиниб, боғлар 35-40 см., токзор қатор оралари эса 25-35 см. чуқурликда шудгор қилинади. Бўз тупроқдаги боғ ва токзорга ҳар йили соф ҳолда 60-90 кг. фосфор, 60 кг. калий солинишини мақсадга мувофиқ. Бу орқали ҳосилдорлик ҳамда турли касаллик ва совуққа чидамлилиги ошади.

Ер ости сувлари чуқур бўлган ҳамда мавсумда етарли даражада суғорилмаган қисмига яхоб суви берилиши келгуси йилда юқори ҳосил олиш имкониятини яратади. Маҳаллий ўғитларни жамғариш, токзорларда симбағазларни таъмирлаш ишлари олиб борилади. Резавор мевали ўсимликлар — қулупнайзор қатор ораси 12-15 см. чуқурликда юмшатилиб, гектарига 15-20 тонна маҳаллий ўғит солинади. Малиназорда қуриган малина новдаси кесилиб, дала четида ёқиб юборилади. Минерал ўғитлардан соф ҳолда гектарига 60–90 кг. фосфор, 30–45 кг. калий ҳамда 10–15 тонна органик ўғит солиниб, қатор ораси 12–15 см. чуқурликда шудгорланади. Тупроқда намлик етарли бўлмаса, қўшимча суғориш ишлари амалга оширилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ўзини ўзи банд қилганларга пенсия қандай ҳисобланади?

Акмал ЖЎРАБОЕВ, Ангор тумани.

— Хонадонимдаги томорқада субсидия асосида иссиқхона ташкил этиб, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганман. 50 ёшдаман. Агар ёшга доир пенсияга чиқсам, менга нафақа қандай тартибда тайинланади?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, Адлия вазирлигининг “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, эркаклар – 60 ёшга, аёллар – 55 ёшга тўлганда, меҳнат стажи камида 7 йил бўлганда, тўлиқсиз ёшга доир пенсия тайинланиши белгилаб қўйилган.

Сизнинг саволингизга “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорида жавоб берилган. Қарорда ўзини ўзи банд қилган шахслар бу тоифада амалда ишлаб берилган вақтдан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаган суммада ижтимоий солиқ тўлаши белгиланган. Ушбу солиқ суммаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлиқ йўналтирилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи миқдори аниқланади.

Демак, сиз 7 йил давомида ҳар йили Пенсия жамғармасига ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида ижтимоий солиқ тўловини амалга ошириб борсангиз, келгусида шу асосида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз.



Хусусий бандлик агентликлари томонидан лицензия олиш учун захира қилинадиган МАБЛАҒЛАР МИҚДОРИ туширилади.



Ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга нодавлат ташкилотлар орқали ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ амалиёти йўлга қўйилади.



Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ мурожаатларни ОНЛАЙН АМАЛГА ОШИРИШ имконияти яратилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Баҳора ШАМСИДДИНОВА. Жарқўрғон тумани:

— Мен магистратурада иккинчи босқич талабасиман. 16 октябрда фарзандли бўлдим. Ёш болали талаба-қизлар масофадан ўқиши мумкинми? Менга олийгоҳ қандай қулайликларни яратиши мумкин?

ФАРЗАНДЛИ ТАЛАБА МАСОФАДАН ЎҚИШИ МУМКИНМИ?

Санжар ВАҲОБОВ, Жарқўрғон тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси:

— Президентнинг 2022 йил 7 мартдаги тегишли фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича” Миллий дастурга кўра, қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги коллеж ва техникумларда касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олишлари таъминланади, 3 ёшгача фарзанди бўлган талаба-қизларга масофавий таълим олиш имконияти яратилади.

Эътибор беринг, бу ерда гап қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги коллеж ва техникумларда касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизлар ҳақида кетмоқда. Демак, бу қоидалар олий таълимга тааллуқли эмас.

Сизнинг ҳолатингизда ўқишингиз Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига кўра, академик таътил бериладиган талабалар аризасига (ихтиёрига) асосан, олий таълим муассасаси ректорининг буйруғига мувофиқ, академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи, масофавий ёки экстернат таълим шаклига ўтказилиши мумкин.

Олий таълим муассасасида муайян бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича сиртқи ёки масофавий таълим шакли мавжуд бўлган тақдирда, талабанинг ўқиши аризасига кўра, белгиланган муддатга ушбу таълим шаклига ўтказилади.

Демак, агар сиз ўқиётган таълим йўналиши бўйича олийгоҳда сиртқи ёки масофавий таълим шакли мавжуд бўлса, аризангизга кўра, академик таътил муддатида ушбу таълим шаклига ўтказилади.

ЖАРАЁН

Бугуннинг ёшлари — шижоатли, азми қатъий, ташаббускор!

Мамлакатимизда 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинди. Бу юртимиз ёшларига берилаётган эътибор йилдан-йилга ортиб бораётганини англатади. Туманда баркамол авлодни тарбиялаш, уларни мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси, жамиятнинг ҳақиқий таянчига айлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Шуҳрат НОРҚОБИЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Музработ тумани бўлими бошлиғи.



Ҳозир ҳудудда 154 минг 961 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, улардан 36 минг 210 нафарини ёшлар ташкил этади. Уларнинг 18 минг 950 нафари “яшил”, 17 минг 260 нафари “сариқ”, 700 минг нафари “қизил” тоифага киритилган. Жорий йилнинг шу даврига қадар “сариқ” ва “қизил” тоифадаги 811 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди. Хусусан, уларнинг 71 нафари ишга жойлаштирилиб, 75 нафарига тадбиркорлик билан шуғулланиши учун 629 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ва субсидия ажратилди. Тартибли меҳнат миграцияси асосида 59 нафари хорижга ишлаш учун юборилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида ёшларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ортиб, улар орасида ўзини ўзи банд қилиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаётганлар ортиб бормоқда.

Ёшлар масалаларини ҳал этишда “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш тамойили ўзининг ижобий натижасини бераётир. Музробот туманидаги мавжуд 37 та маҳаллада ёшлар етакчилари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг кўмагида имтиёзли кредит ва субсидия олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, “Юртим жамоли” маҳалласида истиқомат қилувчи Мадина Ғуломова яратилган шароитлардан фойдаланиб, тикувчилик цехи очди ва 10 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Бундан аввал у уч ой чет элда ишлаб келганди. Келгандан кейин “Ёшлар дафтари”га киритилиб, субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди.

Бугун ёшлар орасида деҳқончилик билан шуғулланиб, юқори даромад топаётган йигит-қизлар кўплаб топилади. Қишлоқ хўжалигида бўш турган ер майдонларининг узоқ муддатга имтиёзли тарзда берилаётгани ёшларнинг бу борадаги имкониятларини янада кенгайтирди. Бу йил деҳқончилик қилиш истагини билдирган 881 нафар ёш учун “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 638 гектар унумдор ер майдони ажратилди. Улардан бири — Саидумар Қосимов ўз маҳалласидаги ёшларга яхшигина ўрнак бўлиб келмоқда. У ёшлар етакчиси кўмаги билан 30 йилга ажратилган 5 гектар ердан унумли фойдаланиб, юқори даромад олишни кўзлаган. У яқинда етиштирилган маҳсулотдан 300 миллион сўмга яқин даромад кутаётганини айтиб, бизни суюнтирди.

Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими доирасида хорижга чиқиб кетаётган фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш амалиёти йўлга қўйилди. Сектор раҳбарлари иштирокида хорижда ишлаётган ва ўқиётган ёшлар билан онлайн мулоқотлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Германия, Польша, Жанубий Кореяда ишлаётган, ўқиётган ёшларимиз ўз тажрибалари билан ўртоқлашяпти.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳалла ёшларининг бўш вақти мазмунли ташкил этиляпти. Хусусан, гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги” мусобақасида иштирок этувчи 3 708 нафар ёшнинг рўйхати шакллантирилди. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида футболни оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган футбол, мини футбол ва қизлар ўртасида мини футбол бўйича ДХХ кубоги мусобақаларига 1 700 нафардан ортиқ ёш қамраб олинди.

Бугунги кунда чет тилларини билиш ёш авлод учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Ҳозирда “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида 3,7 мингдан ортиқ ёш 23 та хорижий тилни, “Ustoz AI” лойиҳасида 2,1 минг нафар йигит-қиз 20 га яқин замонавий касбларни онлайн тарзда ўрганмоқда. Шунингдек, юқори даромадли фаолиятга жалб этиш мақсадида “Келажак касблари” лойиҳасида 15 нафар ёшнинг ўқув марказлардаги 37,5 миллион сўмлик курс харажатлари тўлаб берилди. Германия дуал таълим (Аусбулдинг) дастури доирасида 130 га яқин ёш немис тили курсларида ўқитилиб, 5 нафари Германияга касбий таълим олиш ва ишлаш учун юборилди.

Умуман олганда, бугунги кунда ёшлар билан манзилли ишлаб, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга интиляпмиз, таклифларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, барчасига кўмак кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз. Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига шароит яратиб бериш — асосий вазифамиздир. Ишонамизки, уринишларимиз бесамар кетмайди. Шижоатли, азми қатъий, ташаббускор ва интилувчан йигит-қизлар ишончимизни ортиғи билан оқлашига аминмиз.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

“B2” СЕРТИФИКАТИНИ ОЛСА, УСТАМА БЕРИЛАДИМИ?

Шамсия АЛИЖОНОВА. Марҳамат тумани:

— Бошланғич синф ўқитувчисиман. Педагоглар инглиз тилидан “B2” сертификатини олса, устама берилади, деб эшитдим. Шу тўғрими?



Нуриддин САТТОРОВ, Марҳамат тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази етакчи мутахассиси:

— Президентнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг “в” бандига асосан, “умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида хорижий тилда мутахассислик фанларидан дарс берадиган “B2” ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга ўқитувчиларга қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган устамалар татбиқ этилсин”, дейилади.

Демак, бу ҳолатда устама учун фақат “B2” сертификатининг ўзи етарли эмас экан. Ўқитувчи сертификат олганидан сўнг мутахассислик фанларидан дарс ҳам берган ҳолда қарорда назарда тутилган устамани олади.

ҲОЛАТ

“Ёмғирли кунларда машғулотни ташқарида ўтказяпмиз...”

Етакчилар, асосан, ёшларга оид сиёсий жараёнлар, қарорлар, яратилаётган имкониятларни йигит-қизларга тўлиқ етиб боришини таъминлашда кўприк вазифасини бажаради. Ушбу масъулиятли вазифани ўз зиммамга олишни истадим. Боиси ёшларга кўмак беришни энг хайрли ишлардан бири, деб ҳисоблайман.

Дониёр ЁҚУБОВ, Поп туманидаги “Бодомзор” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизда ҳозирда кўпроқ бандлик масаласи долзарб бўлиб қоляпти. Айниқса, касб-ҳунар коллежини битирган ёшларни ишга жойлаш анча қийин кечяпти. Иш тополмай, аксарияти четга чиқиб кетишга уринмоқда. Улар билан суҳбатлашиб, ечим топишга ҳаракат қиляпмиз. Коллеж ўқувчилари, асосан, касб-ҳунарга ўқитилган. Чилангар, электр устаси, ошпазлик, ЭҲМ операторлиги бўйича дипломга эга. Аммо бу соҳаларда фаолият юритиш учун етарли билими йўқ. Уларни ҳудуддаги кичик саноат корхоналари, янги қурилаётган ишлаб чиқариш субъектларига олиб боряпмиз. Шу орқали бандлигини таъминлаб, ишга жойлаяпмиз.

Шундай ёшларимиздан бири Исроил Салимбоев хорижга ишлаш учун кетган эди. Май ойида қайтиб келди. Хабар топганимизданоқ у билан учрашиб, муаммосини аниқладик. Шу ерда ишлаши учун қандай кўмак керак бўлса, ёрдамимизни аямаслигимизни билдирдик. Ҳайдовчиликда яхшигина уқуви бор экан. Иш ўринларини суриштириб, туман ҳокимлигига ҳайдовчиликка ишга жойладик. Дилдора Ҳасанова эса тиббиёт коллежини якунлаган. Кўп вақтдан буён иш тополмай юрди. У ишсиз ёшлар тоифасида йил бошида оталиққа олинди. Тиббиёт бирлашмаси билан келишиб, тумандаги 40-сонли мактабда ҳамшира сифатида ишга жойлашишига кўмаклашдик.

Тадбиркорликда ўзини ривожлантирмоқчи бўлган ёшлар талайгина. Бу йил “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида 21 нафар йигит-қизга ерёнғоқ маҳсулоти экиш топширилди.



Улардан бири Бекзод Тиллаевдир. У билан суҳбатлашганимда, савдо билан шуғулланиши ва шу маҳсулотларни ўзи етиштириб, бозорда сотмоқчи эканини билдирди. Сабаби, маҳсулотнинг бозордаги нархи ошиб кетмаслиги ва уни истеъмолчиларга ҳамёнбоп нархда пуллашни мақсад қилган экан. Шу ниятда деҳқончилик қилишга қизиқиши борлигини айтди. Унинг истагини ҳисобга олиб, ёшларга берилган имтиёзли ерлардан аукцион орқали 20 сотих ажратдик. Дарров деҳқончиликка киришиб, аллақачон ҳосилдан мўмай даромад олишга улгурди.

Ҳозирда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларни “Беш ташаббус олимпиадаси”га тўлиқ қамраб олишга уриняпмиз.

Ҳозирда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларни “Беш ташаббус олимпиадаси”га тўлиқ қамраб олишга уриняпмиз. Ушбу имкониятдан унумли фойдаланган Собитали Фазлиддинов белбоғли кураш бўйича Республика чемпиони бўлиб, “Беш ташаббус олимпиадаси”да иккинчи ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, йигит-қизларни замонавий йўналишларда билим эгаллаб, келажакда яхши даромадли иш топишлари учун ўқув курсларида ўқитиб, моддий қўллаб-қувватлаяпмиз. Жумладан, илм-фан йўналишида 8 нафар ёшни “Келажак касблари”га қамраб олдик. Ҳозиргача 6 нафарига курс пуллари қоплаб берилди. Албатта, уринишларимиз бесамар кетмади. Яқинда бир нафар қизимиз IELTS дан “7” даражани олди. Бу биз учун катта ютуқ ҳисобланади.

Маҳалламизда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун спорт ва мини футбол майдонлари мавжуд. Бироқ мактабимизда спорт мажмуасининг йўқлиги асосий муаммо бўлиб турибди. Мактаб қурилганига 51 йил бўлган, шунча вақтдан буён ёшлар спорт машғулотларини ўтказишда қийналади. Куннинг ёмғирли ва совуқ кунлари ташқарида машғулотни давом эттиришга тўғри келяпти. Бу масалани давлат дастурларига киритишга ҳаракат қиляпмиз. Таклифим шундан иборатки, мактабимизда янги, замонавий спорт мажмуаси қурилса, йигит-қизларнинг қизиқиши ортиб, спорт билан шуғулланадиган ёшларнинг сафи кенгаярди.



“Тошкент — Хўжакент — Тошкент” йўналишида янги ТЕЗЮРАР ЭЛЕКТРОПОЕЗД қўйилди.



2025 йилда БМТнинг навбатдаги МИНТАҚАВИЙ УЧРАШУВИни Ўзбекистонда ўтказиш таклифи илгари сурилди.



Сўнгги беш йилда мамлакатимизда ТУРК САРМОЯСИ иштирокидаги қўшма корхоналар сони 1 903 тага етди.

НИГОҲ

“Хоразм тажрибаси” ҳар бир хонадон бандлигини таъминлаяпти



Ҳамза ЭРБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Шовот тумани бўлими бошлиғи.

Шовот туманида 55 та маҳалла бўлиб, унда икки юз мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Шу боис “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини самарали ташкил этиш йўналишларида “Хоразм тажрибаси”ни жорий этиш ишлари амалга оширилди.

Бу жараёнда дастлаб аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича 55 та маҳалланинг баланси шакллантирилди. Шу асосда 2 098 нафар фуқаро доимий, 424 нафари жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилди. 1 189 нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, 1 439 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. 1 784 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Шунингдек, 4 954 нафар ишсиз фуқаронинг 1 589 нафарига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури бўйича 26 млрд. 3 млн. сўм, 4 726 нафарига “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича 38 млрд. 766 млн. сўмлик кредитлар ажратиш орқали иш ўринлари яратилди. 314 та хонадон Сайхунобод ва Уйчи туманларидаги тажриба асосида ихтисослаштирилди. Деҳқончилик қилиш истагида бўлган 1 500 нафар ёшга ер майдони ажратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида “Бешмарган” ва “Истиқбол” маҳаллаларида “Обод хонадон”, “Обод кўча,” “Обод маҳалла” мезонлари жорий этилди. Ҳашар доирасида тумандаги барча маҳаллалардаги 600 та кўча, 74 та қабристон ва 2 та зиёратгоҳ ободонлаштирилди. Қолаверса, “Обод хонадон” мезони асосида 45 мингдан зиёд хонадон тозаланиб, тартибга келтирилди.

“Маҳалла еттилиги”нинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлаш ҳамда “маҳалла бюджети”ни шакллантириш тизими барча маҳаллаларга татбиқ этилди. Бугунги кунда маҳаллаларнинг ҳисоб рақамларига 10 фоиз солиқлардан тушган 1 млрд. 689 млн. сўм маблағ тегишли тартибда, белгиланган Низом асосида сарфланмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий ходимлар билан ҳамкорликда йилнинг ўтган даврида оғир вазиятга тушган ва шу вазиятга тушиш эҳтимоли юқори бўлган оилалар “Кейс менежмент” асосида ўрганилиб, 1 093 та кейс очилди. Кейсларда кўтарилган муаммоларни бартараф қилиш учун 3 665 та ижтимоий хизмат кўрсатилди.

Маҳаллаларда жамоат тартиби ўрнатилиб, жиноятчилик жиловланяпти. Жорий йилнинг ўтган





10 ой давомида иккита йиғинда жиноятлар сони ошиб, “қизил” тоифага тушган бўлса, 48 та маҳалла жиноятдан холи ҳудуд сифатида “яшил” тоифага кирган. “Қизил” тоифадаги маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш мақсадида Миллий гвардия ходимлари ва профилактика инспекторларидан иборат патруллик йўналишлари жорий этилиб, “маҳалла еттилиги” аъзолари жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган фуқаролар билан мунтазам профилактик тадбирлар олиб бормоқда.

Йиғинларда масъул ташкилот раҳбарларининг халқ олдидаги ҳисоботини эшитиш учун “Жамоатчилик назорати ҳафталиги” ўтказилмоқда. Ана шундай ҳисобот йиғилишлардан бири, “Қундуз” маҳалласида ташкил этилиб, унда аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш борасидаги ишлар хусусида ҳудудий электр тармоқлари бўлими ва “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази мутасаддиларининг ҳисоботлари эшитилди.

Асосий мақсадимиз – фуқароларнинг ҳар бир мурожаатини маҳалланинг ўзида ҳал этиб, халқни рози қилиш. Бунинг учун “еттилик” аъзоларига бир қатор ваколатлар берилган. Ўйлайманки, ҳар биримиз ўз ишимизга масъулият билан ёндашсак, берилган ишончни оқлаймиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Даврон РАСУЛОВ, Фарғона вилояти:

– Уйимда турли хилдаги мева-сабзавот маҳсулотларини етиштираман. Ушбу етиштираётган маҳсулотларимни экспортёр корхоналарга сотсам, олган даромадимдан солиқ тўлайманми?

“ОЛГАН ДАРОМАДИМДАН СОЛИҚ ТЎЛАЙМАНМИ?”

Исматулло СЕВИНЧОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори:

– Уй хўжалигида, шу жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилган. Фақат манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари бундан мустасно.

Шунингдек, экспортёр корхоналар мева-сабзавот маҳсулотларини кейинчалик экспорт қилиш учун жисмоний шахслардан сотиб олганда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ЖШОДС) бўйича имтиёзлар жисмоний шахслар сотган маҳсулотлар уларга ёки уларнинг оила аъзоларига ажратилган ер участкаларида етиштирилганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмасдан қўлланилиши белгиланган.

Шунга мувофиқ, сиз олган даромадингиздан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўламайсиз. Ушбу деҳқончилик маҳсулотларини бошқа шахслардан харид қилиб, уни кейинчалик бошқа шахсларга қайта сотиш ҳолатлари бундан мустасно.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

“Ўсиш нуқта”миз аниқ, ихтисослашувда тажриба ҳам орттирилган”

Ҳусниддин СУЛАЙМОНОВ, Улуғнор туманидаги “Теракзор”, “Фаровон”, “Мингбулоқ” маҳаллалари солиқ инспектори.

Солиқ ходимларининг “маҳалла еттилиги” таркибига киритилиши фуқароларга ҳам, бизга ҳам самарали бўляпти. Аввал саккизта маҳаллага бириктирилган бўлсам, ҳозир учта маҳалла билан ишлаяпман. Бугун аҳоли туман марказига қатнаб, навбатда туриб солиқ тўловларни тўламаяпти, аксинча, биз уларнинг хонадонига боряпмиз.

“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда бўлиб, солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислоҳотларини тушунтиряпмиз. Норасмий меҳнат фаолиятини юритаётганлар расмий рўйхатдан ўтказилиб, қонуний ишлаши таъминланмоқда. Бу борада тадбиркорлик субъектлари билан доимий мулоқотда бўлиб, иқтисодий жиноятнинг салбий оқибатларидан хабардор этилмоқда.



“Еттилик”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтиряпмиз.

“Еттилик”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтиряпмиз. Масалан, “Теракзор” ва “Фаровон” маҳаллалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилмоқда. “Мингбулоқ” йиғинида 40 та кўлда балиқчилик хўжаликлари фаолияти ташкил этилди. Учта маҳаллада 110 та фермер хўжалиги бўлиб, улар асаларичилик, боғдорчилик ва балиқчилик билан шуғулланишади.

Бугунги кунда маҳаллаларда 1 591 нафар ер солиғи, 1 403 нафар мол-мулк солиғи тўловчиси бор. 45 та юридик шахс ва 32 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. Жорий йил 404 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди. 665 та деҳқон хўжалиги ташкил этилди.

Хатлов жараёнларида 31 та объект аниқланиб, қўшимча 28,1 млн. сўм солиқ тушуми ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 11 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган 22 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. 43 та корхонада норасмий ишлаётган 60 нафар ишчининг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди. Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг 12 нафари якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Натижада 104,9 млн. сўм қўшимча манба аниқланди. Жорий йил якунига қадар биргина жисмоний шахсларнинг тураржой объектларидан 649,1 млн. сўм ундирилиши кутилмоқда. Шунинг 10 фоизи, яъни 64,9 млн. сўм миқдори маҳаллалар бюджетида қолади.

Келгусида тадбиркорлик йўналишларини кенгайтириб, маҳалла бюджетини янада оширамиз. Бунинг учун маҳаллаларда имкониятлар етарли. Айниқса, асаларичилик, боғдорчилик ва балиқчиликни ривожлантириб, маҳсулотларни эскпорт қилиш режасидамиз.

ҲАМКОРЛИК

Озарбайжонликлар “маҳаллабай” ишлаш тизимини ўрганмоқда

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасида қардош Озарбайжон Республикаси Солиқ хизмати делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.



Уч кунлик мулоқот давомида Ўзбекистоннинг солиқ соҳасидаги сўнгги ютуқлари, хусусан, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишдаги инновацион ёндашувлар билан ўртоқлашилди. Айниқса, “маҳаллабай” ва “корхонабай” каби янги ишлаш тизимларининг жорий этилиши ҳамда уларнинг амалий натижалари озарбайжонлик ҳамкасбларда катта қизиқиш уйғотди.

Ислоҳотлар самарасини рақамлар ҳам тасдиқлайди. Жорий йилнинг 11 ойи якунлари бўйича ҳудудларда солиқ тушумлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,5 фоизга, бевосита туман (шаҳар)ларда 28,5 фоиздан ортиққа ўсди.

Учрашув якунида томонлар тажриба алмашинувини давом эттириш ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича келишиб олдилар.

Солиқ қўмитаси ахборот хизмати.



Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурида ЯШИЛ ХАЙРИЯ жамғармаси ташкил этилади.



Ўзбекистон ва Хитой фуқаролари ҳар икки мамлакатда 30 КУН ВИЗАСИЗ бўлиши мумкин.



АВТОБУС ЙЎЛАКЛАРИДА ҲАРАКАТЛАНИШ қоидаларини бузганлик учун БҲМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача жарима белгиланмоқда.

ИСЛОҲОТ

“Ғовук”да сайёҳларга 1 кун қолиш имконияти яратилади

Хива туманидаги ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқталари” аниқланиб, маълум соҳага ихтисослаштирилмоқда. Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон туманлари тажрибалари асосида маҳаллалардаги оилалар даромадларини ошириш бўйича аниқ манзилли ишлар йўлга қўйилди.

Санжар МЕЙЛИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хива тумани бўлими бошлиғи.



Этно туризм йўналишида миллий урф-одатлар – келин салом, лачак тўй, суннат тўйи билан таништириш, миллий ҳунармандчилик савдоси ҳамда асаларичилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёни йўлга қўйилган.

Биргина “Ғовук” маҳалласини олсак, асосий “драйвери” – анорчилик ва ҳунармандчиликдан иборат. Шу билан бирга, туризм хизматларини кўрсатиш кенг ривожланмоқда. Ҳозир бу соҳада 9 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, этно туризм йўналишида миллий урф-одатлар – келин салом, лачак тўй, суннат тўйи билан таништириш, миллий ҳунармандчилик савдоси ҳамда асаларичилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёни йўлга қўйилган.

Келгусида мазкур йиғинда сайёҳлик хизматларини ривожлантириш орқали 5 та умумий овқатланиш маскани, 20 та оилавий меҳмон уйи ва 2 та шоппинг объекти ташкил этилиб, сайёҳларнинг ҳудудда 1 кун қолиш имконияти яратилади. Туризм соҳасида тадбиркорлар сони 30 тага (жами 75 тага) етказилиб, ҳар бир хонадон ойига 5-10 млн. сўм даромад олишади. Натижада 80 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилади. Энг муҳими, йиғин ҳудудида инфратузилма яхшиланади.

Бугунги кунда “Ғовук” маҳалласининг ҳар бир хонадонида камида 10 туп анор бор. Гектарлаб анорзорлар ва иссиқхоналар ташкил этилган. Жорий йилнинг ўзида ғовуклик миришкорлар 3,5 минг тоннадан ортиқ анор маҳсулотини экспорт қилишни мақсад қилган. Биргина мисол, маҳалладаги Санобар Абдуллаева хонадони қарийб қирқ беш йилдирки, айнан анорчилик билан шуғулланмоқда. Хонадон эгалари 6 гектар ер майдонида анор етиштириб келмоқда. Мавсум давомида ўртача 12-15 млн. сўм соф даромадга эга бўлмоқда.

Президентимиз жорий йил 29 февраль – 1 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида Хива туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун алоҳида топшириқлар берган эди. Хусусан, туманнинг “Ғовук” ва “Қушчи каттабоғ” маҳаллаларида 50 гектар ер майдонини 30 сотихдан деҳқон хўжаликларига бериш орқали анорчилик плантациялари ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари, шу соҳага ихтисослашган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари билан бирга, назарий механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Анорчилик соҳасида илмий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, ушбу маҳаллада қишлоқ хўжалигида тажрибага эга бўлган деҳқонларнинг билим ва маслаҳатлари ҳисобга олинди. Мақсад – анорчилик тармоғига илм-фанни кенг жорий этиш, анорчиликни қишлоқ хўжалигининг сердаромад соҳаларидан бирига айлантириш.

Келгуси йилда ташкил этиладиган анор плантациялари натижасида маҳалла ҳудудида олти минг тонна анор етиштириш ҳамда маҳсулотнинг 85 фоизини хорижга экспорт қилиш кўзда тутилган. Натижада маҳаллада ишсизлик даражаси 4 фоизга, камбағаллик кўрсаткичи 3,7 фоизга камайиши ҳисобида йил якунига қадар “Ғовук” маҳалласи ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилади.





ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Жиноятдан холи ҳудуд сифатида “яшил” тоифадамиз”

Азамат ЖАНАБАЕВ, Мўйноқ туманидаги Мадели овул фуқаролар йиғини профилактика инспектори.

Мўйноқ туманидан 35 километр олисда жойлашган Мадели овули барча йиғинлар каби ўттиз-қирқ йиллар аввал Орол денгизига туташиб турган. Ҳозир дашту чўлларга, тўқайзорларга айланган.

Шеге ва Қурилтой овулидан иборат йиғинда жами 545 та хонадон бор. Орол денгизидан ажралиб қолган “Кўксув” кўли улар учун ягона ҳаёт манбаидир. Аҳоли ушбу кўл бўйида чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланиб, рўзғор тебратмоқда. Айримлари овулдаги иккита мактаб, иккита давлат боғчаси ҳамда оилавий поликлиникада меҳнат қилмоқда. Бир қисми савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида банд. Бироқ ишсизлик муаммоси ҳамон долзарб. Иш йўқлигидан аҳолининг аксарияти Қозоғистон ва Россияда ишлаб келмоқда.

Орол денгизи қуригач, тақир кенгликлар, тўқайзорлар кўпайди. Бу, ўз навбатида, чорва моллари боқадиган асосий майдонга айланди. Бу ерга қўшни овул ва туманлардан ҳам мол ҳайдаб келишади. Хавотирлиси, аксарият аҳоли чорва молларини ўзи ёки бирор чўпон боқмайди, тўқайзорларга ҳайдаб юборишади. Натижада назоратсиз қолдирилган чорва моллари орасида йўқолишлар, ўлиш ҳолатлари юзага келади. Шундан кейин эгалари бизга мурожаат қилишади.

Бунинг олдини олиш учун барча мўйноқлик ҳамкасбларим каби мен ҳам фуқароларга молларини назоратсиз қолдирмаслигини тушунтириб, ҳар биридан тилхат оляпман. Шунингдек, тунги кузатув назорат тадбирлари ташкил этиб, овулнинг асосий кириб-чиқиш йўлларига, мактаб, боғча ва савдо дўконларига замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатдик. Марказий кўчаларга тунги ёритгич чироқлари қўйилди.

Овулда чорва моллари ўғрилиги ва йўқолиши билан боғлиқ масалалардан бошқа майда безорилик, турли жанжаллар, оилавий келишмовчилик каби ҳуқуқбузарликлар йўқ. Шундай бўлса-да, фуқаролар билан учрашиб, доим огоҳ ва ҳушёр бўлишларини айтиб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтиряпман. Жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаш, аҳолининг кунлик ижтимоий-маиший муаммоларини хонадонма-хонадон, кўчама-кўча ўрганиб, ҳал этиш чораларини кўряпмиз. Шу тариқа жиноятдан холи ҳудуд сифатида “яшил” тоифадамиз.

Ҳудудда янгиланиш, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Қувонарлиси, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун қувур тортилмоқда. Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Келгусида тарғибот ишларини янада кучайтириб, овулни жиноятдан холи ҳудуд сифатида барқарор сақлаймиз. Бу борада менга “маҳалла еттилиги” аъзолари елкадош бўлмоқда.

Жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаш, аҳолининг кунлик ижтимоий-маиший муаммоларини хонадонма-хонадон, кўчама-кўча ўрганиб, ҳал этиш чораларини кўряпмиз.

СУД ҲУКМИ



АВВАЛИГА БЎЛДИ МЕЗБОН, КЕЙИН ЭСА ЗЎРАВОН

Анчадан бери учрашмаган икки дўст учрашиб қолса, суҳбат оила, уй-рўзғор, иш, эски таниш-билишлар, яна кўплаб ҳаёт икир-чикирлари ҳақида кетади. Мурод ҳам Зафарни учратганидан хурсанд бўлиб, ҳол-аҳвол сўрашдан бошлади. Қаҳвахонага кириб учрашувни бир шиша ароқ билан “ювишди”. Тиллар ечилиб, суҳбат қизигандан-қизиди. Мурод янги уйга кўчганини айтиб, қўярда-қўймай уйига таклиф қилди.

Йўл-йўлакай янги хонадонни “ювиш” учун спиртли ичимлик харид қилди. Зафар уйнинг кўрманасига деб, яна бир шиша ароқ ва егуликлар сотиб олди. Муроднинг уйида гурунг давом этди, шишалар очилди. Муроднинг турмуш ўртоғи дарров ошга уннади. Шу орада бирга ўтириб, қадаҳ ҳам кўтарди.

Орадан анча вақт ўтиб, Зафар ўзини эркин қўйиб, мастлиги оқибатида уй бекасига гап ота бошлади. Бу Муродга ёқмади. Аммо Зафар жиловни қўлдан бой берганди. Ўртада жанжал чиқди. Кайфи тароқ бўлган Мурод ҳам жаҳл отига миниб, столда турган ошхона пичоғини олиб, меҳмоннинг қорнига санчди. Зафарнинг инграганча букчайиб, шариллаб оқаётган қонни қўли билан тўхтатишга уринаётганини кўргандагина ҳушига келди. Аммо кеч бўлганди.

Ичкилик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Ҳар иккиси қирқ ёшдан ошган бу танишлар ичиш меъёрларини билмади, меҳмон-мезбон одобига риоя қилмади. Қуюшқондан чиққач, оқибати – бирига ҳаёти учун оғир тан жароҳати етказиш, бирига озодликдан маҳрум қилиниш билан тугади. Бундан бу ёғига учрашиш тугул, бир-бирини кўришдан хурсанд бўлишмаса керак, ҳойнаҳой.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди очиқ суд мажлисида Муроднинг қилмишини қонунан кўриб чиқди. У Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми “л” банди (“Қасддан баданга оғир шикаст етказиш”) билан айбли, деб топилди. Мурод оиланинг ягона боқувчиси эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги инобатга олиниб, Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 2 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Матчонбой ХУДОЙБЕРДИЕВ, Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси, катта лейтенант.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Шаҳноза ТЎЛАГАНОВА. Андижон вилояти:

– Отам 2017 йилда вафот этган. Онам бошқа турмуш қурган ва мен отамнинг ота-онаси, яъни бобом ва бувимнинг қарамоғида яшайман. Бобом ва бувимнинг 3 нафар фарзанди бўлиб, улардан фақат менинг отам вафот этган. Аввалроқ бобом ҳам вафот этди ва унинг уй-жойи мерос сифатида қолди. Менинг ҳам ушбу меросдан улуш олиш ҳуқуқим борми?

“БОБОМНИНГ МЕРОСИДАН ОЛИШИМ МУМКИНМИ?”

Азизбек ҚОДИРОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро суди судьяси:

– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасида биринчи навбатда ворислар тартиби қайд этилган. Унга кўра, мерос қолдирувчининг болалари, эри ёки хотини, ота-онаси тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Фуқаролик кодексининг 1140-моддасига асосан, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун асосида меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутади. Яъни, сизнинг отангиз мазкур ҳолатда мерос очилгунга қадар вафот этганлиги сабабли, сиз мерос улушларидан олишингиз мумкин.



Лондонда Алишер Навоий қаламига мансуб “ХАМСА” асарининг ноёб қўлёзмаси топилди.



ЯНГИ ҚОНУН билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланди.



Тошкентда Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи(ИУСН)нинг ваколатхонаси очилади.

МАНЗАРА

Касби борга кўмак берсак, каму кўсти қолмайди

Туманимизнинг “Ўба-Чўли” маҳалласида истиқомат қиладиган Ойгул Чориева 2021 йилда тадбиркорлик бошлаш истаги билан “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Дастлаб имтиёзли кредит асосида иккита тикув машинаси олиб, хонадонида иш бошлади. Фақат олға интилиб, яхши натижаларга эришаётган бу фуқарога жорий йилда бўш турган бино ижара ҳуқуқи асосида тақдим этилди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” ходимлари унга “Ойгул Гранд Чевар” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этишида амалий ёрдам кўрсатишди.

Ўктам СУВОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Когон тумани бўлими бошлиғи.

Бугунги кунда тадбиркор 37 нафар хотин-қизга “Устоз-шогирд” анъанасига кўра, ўз ҳунарининг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. 20 нафарининг доимий бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, маҳалла тавсияси билан 14 нафар аёлга тикув машинаси олиб берилди. Янги соҳада иш бошлаш арафасида турган опа-сингилларимиз учун бу айни муддао бўлди.

Бундан ташқари, 12 та маҳалла ҳудудида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари ташкил этилган. Ҳозирда 45 нафар аёл ушбу масканларда фаолият юритиб келмоқда.


Туманда “маҳалла еттилиги” кам даромад топаётган мигрантларни ватанга қайтариш бўйича ҳам бир қатор амалий тадбирлар олиб бормоқда. Хусусан, “Когон” маҳалласидан хорижга ишлаш учун кетган, боқувчисини йўқотган 2 нафар аёл юртимизга қайтиб келди. Уларга маҳалла ҳудудида жойлашган касб-ҳунар мактабининг фойдаланилмаётган биносидан 3 та хона ижара ҳуқуқи асосида ажратиб берилди. Ҳозирда ҳар иккиси замонавий тикув машиналари ва ускуналарни харид қилиб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Шу билан қўшимча равишда яна 3 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга эришдик.

Томорқадан самарали фойдаланиш орқали камбағалликни қисқартириш, ишсизликни бартараф этиш ва аҳолининг ойига 1 миллиондан 2 миллион сўмгача доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашиш мақсадида “Сараён” маҳалласининг Навбаҳор кўчаси танлаб олинган эди. Ҳудуднинг асосий “драйвери” иссиқхонада қулупнай кўчатларини етиштириш ва реализация қилишдан иборат. “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида мазкур кўчада жойлашган 10 та хонадонда 2 сотихдан иссиқхоналар ташкил қилиниб, уларда қулупнай ва қулупнай кўчатлари етиштириш йўлга қўйилган. Жумладан, Саид Нарзиев 2 сотихли иссиқхонасидан биргина қулупнайчилик йўналишида йилига ўртача ҳисобда 27,5 миллион сўм даромад топади. Бундан ташқари, фуқаро помидор, бодринг, бўлғор қалампири ва бақлажон кўчатлари етиштириб, сотишдан қўшимча 19 миллион сўм фойда кўради.

Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳаллада истиқомат қиладиган Феруз Худоёров маҳалла тавсияси билан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, миллий таомлар тайёрлайдиган ошхона ташкил этган. Айни вақтда 10 нафар фуқаронинг доимий бандлигини таъминлаган. Улар пишираётган сомса ва балиқ маҳсулотлари мижозларга жуда манзур бўлмоқда.

Тадбиркорнинг иш бошлаганига бир йилдан ошган бўлишига қарамай, фаолиятини анча изга солиб олган. Келгусида иш





кўламини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда. Янги ходимлар олиб, таомлар хилма-хиллигини оширмоқчи.

Собир Шодиев ва Барчиной Кенжаева оиласи дастлаб камбағаллик рўйхатига киритилган эди. Уларнинг даромадини ошириш мақсадида аёлни қоп ишлаб чиқариш заводига ишга киришига ёрдам бердик. Айни вақтда 3 миллион сўмдан кўпроқ маош оляпти. Турмуш ўртоғи эса юк машинада қум, шағал каби қурилиш маҳсулотлари ташиш орқали кунига 100-150 минг сўм атрофида пул топади. Оилани қўллаб-қувватлаш мақсадида уйининг ташқи фасад қисмини ҳомийлар ёрдамида таъмирдан чиқариб бердик. Бундан ташқари, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида кўмир ва керакли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Шунингдек, икки нафар фарзандига болалар нафақаси тайинланди.

Бугун ҳар бир маҳаллада шу каби хайрли ва савобли амаллар тизимли равишда давом этиб келмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, аввал одамларга фақатгина моддий ёрдам ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган бўлса, бугун уларнинг ўзини пул топишга ўргатяпмиз. Ҳар ҳолда касби бўлса, ками қолмайди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

“Оилани тиклаш осон бўлмайди, аммо ортга қайтиш ниятимиз йўқ”

Фотима Холбоева *(исми ўзгартирилган)* 1990 йилда туғилган. 3 нафар фарзанди бор. Биринчи турмушидан ажрашган, иккинчиси билан шаръий никоҳи бор. Лекин эркак бошқа оиласи билан Сурхондарёда яшайди.



Муҳтарам СОБИРОВА,
Яккасарой туманидаги “Дилбулоқ” ва “Бошлиқ” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Аёлдан ҳол-аҳвол сўраш ниятида хонадонига борганимда, жуда тушкун кайфиятда эди. Онасининг нафақасига амаллаб кун кўраётгани сабабли болалари учун моддий ёрдам олишда кўмак сўради. Қолаверса, 4 ёшли ўғлини мактабгача таълим ташкилотига жойлаштиришда муаммо юзага келибди. Фуқаро билан анча давом этган суҳбатдан кейин ўзимиз учун аниқ режалар тузиб, хизмат кўрсатишга киришдик.

Биринчи навбатда, унинг бандлигини таъминлаш мақсадида қизиқишларини ўргандик. Шу вақтгача уйида сунъий гуллар ясаб, озми-кўпми, даромад топганини айтди. Тикувчилик ва косметологияга уқуви бор экан. Ҳоким ёрдамчиси билан бирга 3 ойлик курсда таҳсил олиб, махсус сертификатга эга бўлиши учун ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватладик. Субсидия асосида тикув машинаси олиб берилгач, синглиси ва 14 ёшли қизи билан чеварчиликни бошлаб юборишди. Бундан ташқари, уйида аёлларга косметологик хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Шу тарзда аёл ўзини ўзи банд қилгани учун кам таъминланганлар рўйхатидан чиқарилди.

Ўғлини имтиёзли равишда мактабгача таълим ташкилотига жойлаштирдик. Фарзандлари учун болалар нафақаси тайинланди. 2-синфга борадиган қизи мактабдаги математика тўгарагига бепул қатнаяпти. Йўлим тушди деганча, шу хонадонга бир кириб ўтаман. Аввал кўзёш тўкиб ўтирган Фотиманинг ҳозир қўли-қўлига тегмайди. Бафуржа гаплашишга ҳам вақти йўқ. Тинч-хотиржам яшаётганини кўриб, кўнглим анча таскин топади.

Бону Убайдуллаева *(исми ўзгартирилган)* маҳалламизда туғилиб ўсган. Тақдир экан, бухоролик йигитга турмушга чиқади. Саккиз йилдан кўпроқ бирга яшаб, 3 фарзандининг ота-онаси бўлса-да, бир-бирини сира тушунолмайди. Эрининг тинимсиз кўрсатаётган тазйиқ ва зўравонликлари жонидан ўтиб кетганди. Бу ҳам камлик қилганидек, қайнонасининг турткилаши, кун-кунора жанжалга сабаб топишидан чарчаб, ота уйига қайтиб келади.

Маҳалла идорасига бола пули олишда ёрдам сўраб чиққанида, унинг кўриниши абгор ҳолатда эди. Ўзига қарамаган, сал кўнгил сўрасангиз, йиғлаб юборадигандек кўринарди. Шунда аёл учун алоҳида вақт ажратишим кераклигини англадим. Уйига бориб, ҳолатни батафсил ўргандим. Икки нафар фарзанди ўзи билан, 2 ёшли ўғлини эса эри олиб қолганини айтиб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Бонунинг қалбидан ўтаётган кечинмаларини жуда яхши тушундим. Кейин ажралиш ёқасида турган бу оилани бир муросага келтириш учун ҳаракатни бошладим. Ҳолат ҳақиқатан жуда қалтис эди. Куёв “қайтиб келса, яшайман”, дегандан кейин унинг олдига аёлини урмаслиги, ҳурмат ва меҳр кўрсатиши кераклигини қатъий шарт сифатида қўйдик. Эр-хотинни яраштириб қўйиш учун 6 ой вақт керак бўлди. Шу фурсат оралиғида Бонуга психологик хизмат кўрсатилди. Ишга жойлаштирилиб, болалар нафақаси тайинланди. Мактабга чиқиш арафасида турган қизини махсус тайёрлов курсига, ўғлини боғчага имтиёзли равишда жойлаштирдик.

Ниҳоят, фарзанд соғинчи, эри ва қайнонасининг ваъдалари сабаб аёл оиласини тиклашга қарор қилди. Таваккал қилиб, Бухоро сари йўл олди. Ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, у бугун жуда бахтли ҳаёт кечиряпти. Ҳамма ўз айбини тушуниб, камчиликларини бартараф қилди.

Бундай чигал вазиятларда бир кишининг фикри билан қарор қабул қилиш хато. Якуний хулоса чиқариш учун ҳамма билан бирма-бир суҳбатлашиб чиқиш зарур. Керак бўлса, қўшнилари, кўчабошилари билан гаплашиш керак. Шундагина ҳақиқат юзага чиқади. Масалага ечим топиш осон кечади.

Келгусида ногиронлиги бўлган кишиларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Айни вақтда ҳудудимизда ташкил этилган тикувчилик корхонасида шу тоифадаги фуқароларнинг 8 нафари фаолият юритиб келмоқда. Яна 2 нафарининг ҳужжатларини тайёрлаяпмиз.

Ҳозирда ёлғиз оналарга болалар нафақаси тайинлашда қатор имтиёзлар мавжуд. Лекин уларнинг айримлари шаръий никоҳ асосида турмуш қурган. Шароити анча яхши. Шу тоифадаги фуқароларга моддий ёрдам беришда кўпроқ жиҳатлар инобатга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

КИЧИК ҲАЖМЛИ БОЛАЛАР УЙИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳрида 30-сон Меҳрибонлик уйи бўлими сифатида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни муқобил жойлаштиришнинг янги шакли — Кичик ҳажмли болалар уйи очилди.



Бу масканнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шаклларидан фарқи — турли эҳтиёжларга эга, жумладан, ногиронлиги бўлган болалар оила муҳитида биргаликда тарбияланади.

Ушбу кичик ҳажмли болалар уйи (Small Group Home) модели ривожланган давлатларда узоқ вақт самарали қўлланган.

Ҳозирда 200-250 нафар бола тарбияланаётган Меҳрибонлик ва Мурувват интернат муассасаларида болалар учун энг яхши шароитлар яратилган бўлса-да, ҳар бир болани индивидуал ёндашув асосида тарбиялаш имкони йўқ.

Кичик ҳажмли болалар уйида тарбияланувчилар сони кўпи билан 9-10 нафар бўлиб, кун давомида масъул ходимлар улар билан бирга бўлишади. Бу ерда ҳар бир болага индивидуал ёндашиш ҳамда меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш билан бирга, оила муҳитида улғайиш ва оилавий қадриятлар асосида тарбияланиш имконияти яратилмоқда.

ҚУЛАЙЛИК

Ногиронлиги бўлган шахслар тўсиқсиз ҳаракатланади

ҚОНУНЧИЛИКДА 1 ДЕКАБРДАН ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ СОҲАСИДА ҚАТОР ЎЗГАРИШЛАР КУЧГА КИРДИ

Ижтимоий тўловлар ижтимоий карта орқали амалга оширилади

Янги тайинланадиган ижтимоий тўловлар, хизматлар ва имтиёзлар, шу жумладан протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини харид қилиш «Ижтимоий карта» ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда ижтимоий карта орқали амалга оширилади.



Ногиронлиги бўлган шахслар спорт билан бепул шуғулланади

2024 йил 15 декабрдан бошлаб спорт билан шуғулланишни истаган ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатига кўра, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари давлат мулкида бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида бепул спорт билан шуғулланиш учун йўлланма бериши белгиланди.



Кўчалар ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилади

Кўчалар *(рўйхат бўйича)* шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари талабидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатланишига мослаштирилади.



Камбағал оилалар реестри шакллантирилади

“Маҳалла еттилиги” камбағал оилаларнинг ижтимоий шароити ва камбағалликка тушиш сабабларини ўрганиши натижасида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Камбағал оилалар реестрини шакллантиради.



Таиландда старт олган “WORLD ABILITYSPORT-2024” ёшлар ўйинларида 20 нафардан зиёд параспортчимиз қатнашяпти.



Шахмат: FIDEнинг янгиланган рейтингидан 5 нафар гроссмейстеримиз жой эгаллади.



Тошкентда ўтказилган Халқаро қиличбозлик федерациясининг навбатдаги конгрессида АЛИШЕР УСМОНОВ федерация президенти этиб сайланди.



Ҳар бир кўчада кўчат бор, кўркамлик шу боис барқарор

Туманимиздаги “Отиш” маҳалласида 810 та хонадон мавжуд. Уларнинг барчаси тўлиқ ҳолда иссиқхона йўналишига ихтисослашган. Деҳқонлар бодринг, помидор, булғор қаламшири каби сабзавот кўчатларини етиштириш бўйича катта тажрибага эга. Ҳозир мавсум авж паллада. Қўлда ерга доналаб қадаб чиқилган уруғлар алоҳида-алоҳида кичик идишларга кўчирилган. Уларнинг харидорлари нафақат юртимизда, балки Қозоғистон, Қирғизистон каби қўшни давлатларда ҳам кўплаб топилади.

Иброҳимжон ЖЎРАБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Асака тумани бўлими бошлиғи.

Хонадонларда 5-6 нафардан 20-30 нафаргача фуқаро доимий иш билан банд. Кам таъминланган оилаларнинг 4 нафардан аъзолари меҳнат қилиб, ойига 12 миллион сўмгача даромад топишяпти. Бундан ташқари, ўзининг уйида қорамол, қўй боқади. 1-2 сотихли томорқаси кўчат етиштириб, бўш вақтида тадбиркорларга ёрдам беради.

Бозорбой Собиров ҳозирги кунда 1 миллион дона кўчатини сотишга тайёрлаб қўйган. 20-30 нафаргача хотин-қиз, 7-8 нафар йигитнинг бандлигини таъминлаган. Иш икки навбатда ташкил этилган. 20 йилдан буён 15 сотихли иссиқхонада буюртма асосида кўчат етиштириш билан шуғулланади. Харидорлари доим тайин.

Бу каби тиниб-тинчимас ишбилармон кишилар бошқаларга ҳар жиҳатдан намуна бўляпти. Одамларнинг тадбиркорлар қўлида ишлаб, тажрибаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг натижаси ўлароқ бутун маҳалла бир йўналишда фаолиятини йўлга қўйишига эришдик. Бу кўп жиҳатдан қулайлик яратади. Тушунмаганини бир-биридан сўраб ўрганади. Тайёр маҳсулотга харидор топиб, сотиш масаласида маслакдош бўлади.

Ҳозирда фуқароларнинг 2 сотихдан 1 гектаргача иссиқхоналари мавжуд. Ҳеч бирида ер бўш турмайди. Кетма-кетликда уруғ экилади, кўчат сотилади. Бу жараён йил ўн икки ой узлуксиз тарзда давом этади. Хуллас, маҳалламизда ҳамиша кўчат топилади.

Жорий йилда “Отиш” маҳалласида истиқомат қиладиган 40 нафар фуқарога кредит ва субсидия асосида иссиқхонасини кенгайтириш учун ёрдам кўрсатилди.

Бу туманимиздаги 77 та маҳалладан биттасида амалга оширилаётган ишлар, холос. Гапирсак, гап жуда кўп. Ҳар бир маҳаллада “еттилик” вакиллари жон куйдириб меҳнат қилмоқда. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, бандлигини таъминлаш борасида аниқ режалар асосида астойдил ҳаракат қилишяпти.

Туманда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш учун жамоатчиликни жалб қилган ҳолда кенг кўламли ишлар ташкил қилинган. Жорий йилнинг шу даврига қадар жами 768 минг 400 туп кўчат экилгани тўғрисидаги маълумотлар электрон дастурга киритилган.

Куз мавсумида 126 минг 400 дона мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилиши режалаштирилган. Айни вақтда ишлар жуда қизғин давом этмоқда. 98 минг дона кўчат тўлиқ экиб бўлинди. Ниҳолларнинг ҳеч қандай талофатларсиз, кўкариб кетиши учун суғориш тизими мавжуд бўлмаган жойларда ариқ ва қудуқлар қазилмоқда.

Автомобиль йўллари ёқаси, фермер хўжалиги экин майдони четлари, ижтимоий соҳа объектлари, корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳудуди, ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги объектлар ҳамда тумандаги маҳалла ҳудудларига иқлим шароитига мос келувчи арча, павлония, каштан, қайрағоч, қарағай, чинор, терак, узум каби мевали ва манзарали дарахтлар экиб, обод масканга айлантирилмоқда.

Халқимиз азалдан бунёдкорлик, юртни обод масканга айлантириш масаласига алоҳида меҳр билан ёндашган. Фарзанд дунёга келса, унга атаб ерга ниҳол қадашган. Боғу роғлар барпо этиб, элга ҳосилини улашган. Бугунги кунда олиб борилаётган ишлар шу анъаналарнинг мантиқий давоми, десак янглиш бўлмайди.

КЎЗГУ

Айримларнинг алимент пулига ишониб, ажрашгани ачинарли...

Маҳалла тизимида 16 йилдан буён фаолият юритиб келяпман. Ҳудудимизда истиқомат қиладиган 1 минг 150 нафар хотин-қизнинг кундалик юмушлари, ташвиши ва қувончларидан доимо хабардор бўлиб туришга ҳаракат қиламан. Тизимли равишда олиб борилаётган тадбирларимиз самараси ўлароқ, сўнгги икки йилда маҳалламизда оилавий ажралишлар қайд этилмади.



Маърифат ЗУФАРОВА, Янгиқўрғон туманидаги “Ровот” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Жорий йил бошидан буён “Оқила аёллар” ҳаракатининг 15 нафар аъзоси билан биргаликда 8 та нотинч оилани муросага келтиришга эришдик. Бир ҳолатда келин қайнонасига ёлғон гапиради. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса сув юзига қалқиб чиққач, ўртада катта жанжал кўтарилади. Вазият ҳатто ажралиш масаласини кўриб чиқишгача етиб боради. Бундан хабар топганимиз ҳамон хонадонга етиб бордик. Уларнинг ҳар иккиси билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашдик. Қайнонага келининг ёшлик қилиб хатога йўл қўйганини тушунтирдик. Набираларининг бахту камоли учун яна бир имкон бериши кераклигини айтганимиздан кейин кўнгли сал юмшагандек бўлди. Келинга эса қайнонаси уни қанчалик яхши кўриши, маҳалладошларига мақтагани ҳақида бироз бўрттириб сўзладик. Тарафлар охир-оқибат бир муросага келишди. Ҳозир тинч-хотиржам ҳаёт кечиришмоқда.

Кузатувларимга асосланиб айтишим мумкинки, бугун оилаларда юзага келаётган нотинчликка кўпинча арзимаган олди-бердилар, сарпо-суруғлар сабаб бўлиб қолмоқда. Қиз узатаётган тарафнинг кўнгилдагидек йўқлов қилмагани қайноналарнинг норозилигига олиб келяпти. Бу камчиликни бартараф қилиш учун аҳоли ўртасида тез-тез тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Янада жиддийроқ масалалар борасида бош қотириш вақти келганини такрорлашдан сира чарчамаймиз. Ундан кўра, фарзандларининг илму маърифат эгаси бўлиши, юрт ривожи учун муносиб ҳисса қўшиши кераклиги борасида бош қотириши зарурлигини бот-бот такрорлаймиз.

Айрим аёллар кичик бир сабабни рўкач қилиб, эрининг берадиган алимент пулига ишонган ҳолда, ажралишга қарор қилаётгани жуда ачинарли. Назаримда, алимент пули миқдорини бироз камайтириш эвазига оилалар мустаҳкамлигини сақлаб қолишга эришган бўлармидик...

Маҳалламиз “драйвери” боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат. Ҳар бир хонадонда 3-4 бошдан қорамол бор. Кўпчилик хотин-қизлар уйида ўтирган ҳолда сутни қайта ишлаш, томорқасида сабзавот маҳсулотлари етиштириш, тикувчилик қилиш ортидан оиласи даромадини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Замира Холмирзаева ва унинг келинига ўтган йили маҳалла тавсияси билан 30 миллион сўм кредит ажратилган эди. Бу маблағ эвазига улар бир бош қорамол, тикув машинаси ва ғишт ишлаб чиқариш ускунаси харид қилишди. Айни вақтда қайнона-келин бирга рўзғорбоп сумкалар тикиб сотишяпти. Сигири келгуси йилдан кўпайишни бошлайди. Турмуш ўртоғи, икки ўғли ва яна бир маҳалладоши ишлаб чиқараётган ғишт маҳсулотлари маҳалладаги қурилиш бошлаган кишилар учун айни муддао бўлди. Фуқаролар йўл харажатлари қисқарганидан хурсанд. Оила шу тарзда давлат берган кичик имкониятдан унумли фойдаланиб, ўзини ўзи банд қилишга эришди.

Гулмира Қирғизова маҳалламиздаги қўли гул чеварлардан. “Устоз-шогирд” анъанаси асосида 10 нафар қизга ўз касбини ўргатиш баробарида буюртма асосида ётоқ тўпламлари тикишяпти. Уйидан алоҳида хона ажратиб, барча шароитларни яратиб олган. Маҳалла тавсияси билан берилган 15 миллион сўм имтиёзли кредитга 3 та тикув машинасини харид қилди. Аёлнинг ойлик даромади 4 миллион сўмдан ортади. Бундан ташқари, соғин сигирининг сут-қатиғидан кунига чой пули келиб туради.

Келгусида маҳалламиздаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда ҳудудда бўш турган 3 сотих ерда тикувчилик корхонасини ташкил этмоқчимиз. Шу орқали 15 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга эришган бўламиз. Қолаверса, бинода аёлларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиб беришни режалаштирганмиз. Зеро, спорт — соғлик гарови демак!

ЭЪТИРОФ

100 НАФАР ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ ВА НУФУЗЛИ АЁЛ

BBC 2024 йил учун дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган 100 нафар илҳомлантирувчи ва нуфузли аёл рўйхатини эълон қилди.



Улар орасида Тинчлик учун Нобель мукофоти совриндори Надия Мурад, зўрлаш қурбони ва фаол Жизел Пелико, актриса Шерон Стоун, олимпия спортчилари Ребека Андраде ва Эллисон Феликс, қўшиқчи Ре, рассом Трейси Эмин, иқлим ўзгариши фаоли Аденике Оладосу ва ёзувчи Кристина Ривера Гарзалар бор.

Мазкур рўйхатга ўзбекистонлик тадбиркор, бахтсиз ҳодиса сабаб икки йил муқаддам оёқларидан айрилган, бироқ ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиб, ҳозирда тикувчилик бизнесини юритаётган Дилором Йўлдошева ҳам киритилган.

«Дилором Йўлдошева шу кунга қадар 40 дан ортиқ хотин-қизга тикувчиликдан сабоқ берди. Бир неча ой ичида унинг тадбиркорлик субъекти сезиларли даражада ўсди ва у ишчилар ҳамда мактаб ўқувчилари учун махсус форма тикиш бўйича шартномалар тузди. Ўшандан бери унинг бизнеси ҳам, ўзи ҳам ўнлаб аёллар учун даромад манбаига айланди», **– дейилади BBC эътирофида.**

Эслатиб ўтамиз, бир муддат аввал Адлия вазирлиги, қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва ҳомийлар иштирокида «Матонат» номли фильм суратга олинган ва унда Дилором Йўлдошева асосий қаҳрамонлардан бири сифатида гавдалантирилган эди.

ТАКЛИФ

АЁЛЛАРНИ ДАРОМАД ТОПИШГА ҚАНДАЙ ЎРГАТИШ МУМКИН?

Бош вазир ўринбосари Зулайҳо Маҳкамова хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, “Сайхунобод тажрибаси” асосида томорқадан унумли фойдаланиш ва даромад топишга ўргатиш мақсадида 2025 йилда қуйидагиларни амалга оширишни тавсия сифатида келтирди:



✓ хотин-қизларни “Сайхунобод тажрибаси” бўйича томорқадан унумли фойдаланишга ўргатиш;

✓ тадбиркорлик қилиш истагидаги аёлларга эҳтиёжига қараб имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш;

✓ етакчи тадбиркор аёлларга эҳтиёжманд хотин-қизларни бириктириб, уларнинг даромад топишига ҳисса қўшиш;

✓ фаолиятини кенгайтириш истагидаги хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва бу орқали янги иш ўринлари яратиш;

✓ хонадонларда кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш;

✓ маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларини ташкил этиш ва уларда опа-сингилларимизни касб-ҳунарга ўқитиб, банд қилиш чораларини кўриш;

✓ маҳалладаги илғор хонадонларга даромади кам бўлган хонадонларни бириктириш орқали уларнинг даромадини ошириш;

✓ Ўрмон хўжаликлари билан ҳамкорликда аёлларни дарахт, гул кўчатлари етиштириш бўйича ўқитиш;

✓ “Устоз-шогирд” анъанаси асосида ҳунарманд аёлларга хотин-қизларни бириктириш орқали бандлигини таъминлаш.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 6 130 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-1220

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.